

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 828-ҳадис

* قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَا عِبَادِي: إِنِّي حَرَّمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي، وَجَعَلْتُهُ مُحَرَّمًا بَيْنَكُمْ، فَلَا تَظَالَمُوا يَا عِبَادِي: كُلُّكُمْ ضَالٌ إِلَّا مَنْ هَدَيْتُهُ فَاسْتَهْدُوْنِي أَهْدِكُمْ، يَا عِبَادِي: كُلُّكُمْ جَائِعٌ إِلَّا مَنْ أَطْعَمْتُهُ، فَاسْتَطِعُمُونِي أَطْعِمْكُمْ، يَا عِبَادِي: كُلُّكُمْ عَارٍ إِلَّا مَنْ كَسُوتُهُ فَاسْتَكْسُوْنِي أَكْسُكُمْ. يَا عِبَادِي: إِنَّكُمْ تُخْطِئُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ، وَأَنَا أَعْفُ الرُّدُوبَ جَمِيعًا، فَاسْتَغْفِرُونِي أَعْفِرُ لَكُمْ، يَا عِبَادِي: إِنَّكُمْ لَنْ تَبْلُغُوا ضَرِّي فَتَضُرُّونِي وَلَنْ تَبْلُغُوا نَفْعِي فَتَنْقَعُونِي، يَا عِبَادِي: لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ كَانُوا عَلَى أَنَّقِي قُلْبٍ رَجُلٍ وَاحِدٍ، مِنْكُمْ مَا زَادَ ذَلِكَ فِي مُلْكِي شَيْئًا. يَا عِبَادِي: لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ كَانُوا عَلَى أَفْجَرِ قُلْبٍ رَجُلٍ وَاحِدٍ مِنْكُمْ، مَا نَفَصَ ذَلِكَ مِنْ مُلْكِي شَيْئًا. يَا عِبَادِي: لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَآخِرَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ، قَامُوا فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ، فَسَأَلُوْنِي فَأَعْطِيَثُ كُلَّ إِنْسَانٍ مَسْأَلَتَهُ، مَا نَفَصَ ذَلِكَ مِمَّا عِنْدِي، إِلَّا كَمَا يَنْفَصُ الْمِحْيَطُ إِذَا دَخَلَ الْبَحْرَ. يَا عِبَادِي: إِنَّمَا هِيَ أَعْمَالُكُمْ أَخْصِيَّهَا لَكُمْ، ثُمَّ أُوْفِيَكُمْ إِلَيْهَا، فَمَنْ وَجَدَ خَيْرًا فَلْيَخْمَدِ اللَّهُ، وَمَنْ وَجَدَ غَيْرَ ذَلِكَ فَلَا يَلُومَنَّ إِلَّا نَفْسَهُ.

(رواه مسلم)

Аллоҳ таоло: «Эй бандаларим, ўзимга зулмни ҳаром қилдим ва уни ораларингизда ҳам ҳаром этдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар. Эй бандаларим, барчангиз залолатдасиз. Фақатгина Мен ҳидоят қилганларгина түғри йўлдадир. Шундай экан, ҳидоятни Мендан талаб қилинглар. Ўзим сизларни ҳидоят қиласман. Эй бандаларим, барчангиз очдирсиз. Фақатгина Мен таомлантирганларгина бундай эмас. Бас, шундай экан, Мендан таом талаб қилинглар, сизларни (ўзим) таомлантираман. Эй бандаларим, барчангиз яланғочдирсиз. Фақатгина Мен кийинтирганларгина бундай эмас. Кийиниши Мендан талаб қилинглар, Мен сизларни (Ўзим) кийинтираман. Эй бандаларим, сизлар кечаю кундуз хато қиласизлар. Мен

эса гуноҳларингизнинг барчасини кечираман. Бас, шундай экан, Мендан истиғфор талаб қилинглар, сизларнинг гуноҳингизни (Ўзим) кечираман. Эй бандаларим, Менга заар бермоқчи бўлсангиз, ҳаргиз заар берада олмайсиз. Менга фойда бермоқчи бўлсангиз ҳам, ҳаргиз фойда берада олмайсиз. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз тақволи қалб кишиси (эгаси) бўлишса, мулкимда бирор нарса зиёда бўлиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз фожир қалб кишиси (эгаси) бўлишса, мулкимдан бирор нарса камайиб қолмайди. Эй бандаларим, агар аввалларингиз ва охирларингиз, инс ва жинларингиз бир тепаликда туриб, Мендан сўрашса, Мен ҳар бир киши сўраган нарсасини берсам ҳам, ҳузуримдаги бирор нарса камаймайди. Фақатгина денгизга игнани бир марта тиқиб олганда камайганчалик камаяди, холос. Эй бандаларим, бу сизларнинг амалингиздир. Мен амалларингизни ҳисоблаб сақлаб қўяман. Кейин уни мукаммал қилиб топшираман. Кимки унинг яхисини топса, Аллоҳга ҳамд айтсин. Кимки бундан бошқасини топса, фақатгина ўзини маломат қилсин», деди».

Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

